

АНДИЖОН МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
“МУҲАНДИСЛИК” факультети
“ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ” кафедраси

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА
ТУШИНТИРИШ ХАТИ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИНИНГ МАВЗУСИ: “Андижон шаҳрида икки иш ўринли кичик вулканизация устахонасини лойиҳалаш”

Битирувчи: “Транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш” йўналиши
4-курс 1-гурӯҳ талабаси:

_____ Махмудов Азизбек

Факультет декани: _____ доц. Ҳ.Саримсақов

Кафедра мудири: _____ доц. Т.О.Алматаев

Битирув малакавий иши раҳбари: _____ кат.ўқит. У.Холматов

Маслаҳатчилар: _____ доц. А.Саримсақов

_____ кат.ўқит. Ш.Сулаймонов

Такризчи: _____

АНДИЖОН МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
“МУҲАНДИСЛИК” факультети
“ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ” кафедраси
БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА

Т О П Ш И Р И Қ

Махмудов Азизбек

(талабанинг фамилияси, исми-шарфи)

1. Битирув малакавий ишининг мавзуси: “Андижон шаҳрида икки иш ўринли кичик вулканизация устахонасини лойиҳалаш”

Институт бўйича 2010 йил 10-декабрдаги 241-сонли буйруқ билан тасдиқланган.

2. Битирув малакавий ишини бажариш учун маълумотлар: Андижон шаҳрида икки иш ўринли кичик вулканизация устахонаси жойи, пости ва устахонаси.

3. Тушинтириш хатида келтириладиган маълумотлар:

1) КИРИШ. Ўзбекистон республикасининг сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий ривожлантиришда автомобиль саноати ва транспортининг аҳамияти, уларни ривожлантириш учун юқори бошқарув органлари тамонидан чиқарилган қарор ва президент фармонлари тўғрисида маълумотлар берилади.

2) МАВЗУНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ. Вулканизация устахонасини аҳамияти ва уларни ҳозирги кунда тутган ўрни, таъмирлаш ишлари, созлаш тўғрисида маълумотлар берилади.

3) АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ. Битирув малакавий ишини бажариш учун зарур бўлган адабиётлар танланади, ўрганилади ва шарҳланади.

4) ТЕХНОЛОГИК ҚИСМ. Битирув малакавий ишида вулканизация устахонаси ҳисоб китоб ишлари бажарилади.

5) ИҚТИСОДИЙ ҚИСМ. Битирув малакавий ишининг иқтисодий қисмида вулканизация устахонаси техник иқтисодий кўрсаткичлари ҳисобланади

6) МЕҲНАТ МУХОФАЗАСИ ҚИСМИ. Меҳнат мухофазаси ва ҳаётфаолити саноат ва транспорт корхоналарида муҳим аҳамиятга эга эканлигини, Ўзбекистон Республикасининг расмий ҳужжалари ва Қонунчилик палатасининг қабул қилган қонунлари асосида баён этиш.

7) ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР. Битирув малакавий ишида автомобилларни шиналарини таъмирлаш устахонаси ҳисоб китоб ишлари, иқтисодий кўрсаткичлар ва меҳнат мухофазаси бўйича бажарилган ишлар бўйича хулоса таклифлар берилади.

8) ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ. Битирув малакавий ишини бажариш учун зарур бўлган адабиётлар.

4. Битирув малакавий ишининг чизмалари рўйхати:

1) 1-чизма;

2) 2-чизма

3) Техник иқтисодий кўрсаткич;

4) Технологик карта

5. Битирув малакавий иши қисмлари бўйича маслахатчилар:

№	Битирув малакавий ишининг қисмлари	Бошла-ниш муддати	Тугалла-ниш муддати	Имзо	Маслахатчининг фамилияси
1.	Кириш	10.01.11 й	6.02.11 й		У.Холматов
2.	Мавзунинг долзарблиги	20.01.11 й	24.02.11 й		У.Холматов
3.	Адабиётлар шарҳи	25.01.11 й	30.05.11 й		У.Холматов
4.	Технологик қисм	2.02.11 й	5.05.11 й		У.Холматов
5.	Иқтисодий қисм	25.04.11 й	20.05.11 й		А.Саримсақов
6.	Меҳнат муҳофазаси қисми	6.05.11й	23.05.11 й		Ш.Сулаймонов
7.	Хулоса ва тақлифлар	25.05.11 й	30.05.11 й		У.Холматов
8.	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	10.01.11й	30.05.11 й		У.Холматов
9.	1-чизма:	27.03.11 й	3.04.11 й		У.Холматов
10.	2-чизма:	4.04.11 й	1.05.11 й		У.Холматов
11.	3-техник иқтисодий кўрсаткич	2.05.11 й	13.05.11 й		У.Холматов
12.	4-технологик карта	14.05.11 й	20.05.11 й		У.Холматов

6. Топшириқ берилган сана: 10.01.2011 йил

7. Тугалланган битирув малакавий ишини топшириш санаси: 5.06.11 й.

Битирув малакавий иши раҳбари: У.Холматов _____

Топшириқ бажариш учун қабул қилинди: Махмудов Азизбек _____

Кафедра мудири: Т.О.Алматаев _____

МУНДАРИЖА

1.	Кириш	5
2.	Мавзунинг долзарблиги	9
3.	Адабиётлар шарҳи	13
4.	Технологик қисм	22
5.	Иқтисодий қисм	33
6.	Меҳнат муҳофазаси қисми	41
7.	Хулоса ва таклифлар	47
8.	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	

К И Р И Ш

Маҳсулот рақобатдошлигини таъминлаш учун ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгिलाш бўйича катта ва кичик лойиҳаларни излаш, бунинг учун зарур маблағ ва манбаларни топиш – бу ҳар бир корхона раҳбари ва муҳандис-техник ходимларининг биринчи навбатдаги энг муҳим вазифаси ва мажбурияти бўлмоғи керак.

И.Каримов.

Президентимиз И.Каримов ўзининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарида 2009 йилдаги яна бир энг муҳим устувор вазифа – **бу мамлакатимизни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантиришдан иборат** эканлигини белгилаб бердилар[3-4].

Мазкур устувор вазифага алоҳида эътибор қаратишнинг бир қатор сабаблари мавжуд. Жумладан:

Биринчидан, инфратузилмани ривожлантириш янги корхоналарни жойлаштириш ва бутун иқтисодиётни тараққий эттириш учун зарур қулай шарт-шароитлар яратади, мамлакатимизнинг бой минерал-хомашё ресурсларини ўзлаштириш имкониятларини кенгайтиради;

Иккинчидан, ишлаб чиқариш инфратузилмаси, авваламбор, автомобиль ва темир йўлларнинг ривожланган тизими, уларнинг самарали фаолияти ишлаб чиқаришдаги умумий харажатларни камайтиришнинг муҳим шarti ва омилидир. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва бутун иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини оширади;

Учинчидан, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аҳолини тоза ичимлик суви, энергия билан таъминлаш, ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш, пировард натижада аҳолининг турмуш даражасини оширишга хизмат қилади;

Тўртинчидан, инфратузилмани ривожлантириш кўп меҳнат талаб қиладиган кенг кўламли соҳа ҳисобланади. Бу янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини ошириш имконини беради [3-4].

Транспорт Ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий мустақиллиги, авваламбор, саноат тармоқларининг асосий соҳалари ривож даражасига ҳамда сифатли иш бажаришга боғлиқ. Шунинг учун ҳам республикамизда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ муаммолари ҳал этишнинг бу соҳасига катта эътибор қаратилмоқда. Умуман, Ўзбекистонда иқтисодий ислохатларнинг барча комплекслари асосида ётган замонавий иқтисодиёт ташкилий-ҳуқуқий, техник-муҳандислик, бошқарув жараёнларини такомиллаштиришга йўналтирилган. Ўзбекистон саноатида етакчи ўринни оғир саноат эгаллайди. Мамлакат жами саноатининг 2/3 қисмини оғир саноат тармоқлари ташкил этади. Ўзбекистон саноатида машинасозлик асосий тармоқлардан ҳисобланади. Андижон вилоятида Жанубий Корея билан ҳамкорликда автомобилсозликнинг йирик маркази бунёд этилди. Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасида машинасозликнинг Янги тармоғи-автомобилсозлик вужудга келди ва диёримиз жаҳонда автомобиллар ишлаб чиқарадиган 28 мамлакатнинг бирига айланди [36].

Инфратузилмасини, биринчи навбатда автомобиль ва темир йўлларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. 2007-2010 йилларда умумий фойдаланишда бўлган автомобиль йўлларини ривожлантириш дастурининг амалга оширилиши бугунги кунда республикамизнинг барча минтақалари ўртасида йил давомида ишончли транспорт алоқасини таъминламоқда [3-4].

Мамлакат иқтисодиёти ривожланишида автойўл-транспорт мажмуасининг ўрни транспорт иқтисодиёт инфратузулмасини шакллантирувчи тармоқлардан бири саналади ва моддий бойликларни тақсимлашда транспорт воситаси сифатида ишлаб чиқариш жараёнларининг зарурий шароитлари ва меҳнат қуроли вазифасини ўтайди. Йўллар ва

харакатдаги воситалар меҳнат жараёни меваси бўлгани билан ўзлари ҳам меҳнат маҳсулини яратишда иштирок этади [37].

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов автомобилсозликни ривожлантириш ва транспортдан самарали фойдаланиш масалаларига шахсан эътибор бериш билан бирга унга раҳбарлик қилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Ватанимизда қисқа вақт ичида мутлақо янги, юқори технологияли ва баркамол соҳа – автомобилсозлик бунёдга келди.

Давлатимиз раҳбари И. Каримовнинг ташаббуслари билан давлат бошқарувининг бозор иқтисодиёти қонунлари, муносабатларига асосланган замонавий кўринишдаги шакли ўрнатилди. Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистоннинг ўзига хос бўлган беш асосий принципдан иборат «Ўзбек модели» яратилиб, ана шу асосида иқтисодий ислохотлар олиб борилмоқда [5-6-7-8].

И.А.Каримов. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида транспорт соҳасига муносабатида шундай дейди:—“Ўзбекистон республикаси қонунчилик асосининг транспорт муносабатларини тартибга солувчи қисмини умуман қабул этилган халқаро норма ва қоидаларига яқинлаштириш бўйича фаол иш олиб бормоқдалар. Масалан, автомобилда юк ташиш борасида МДП гувоҳномасини қўллаган ҳолда халқаро юк ташиш тўғрисидаги баённома конвенцияси, халқаро юк ташиш шартномаси тўғрисидаги конвенция, йўл белгилари ва сигналлари тўғрисидаги конвенция ва йўл харакати тўғрисидаги конвенция ратификация қилинди” [6].

Илм ахли ва мутахассислар транспортни иқтисодиётнинг юқори қўшимча қиймат ҳосил қилувчи тармоқлари сафига қўшишади. Бунга сабаб транспортнинг фаолияти маҳсулот таннарҳини тушириш ва унинг қадрини оширишда муҳим аҳамиятга эгалигидадир. Ҳақиқатдан ҳам, транспорт саноат, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларига нисбатан жамият

ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятларини яхшироқ рўёбга чиқаради.

1990 йилларда республикада ҳар 1000 (минг) аҳолига 40 (қирқ)та автомобиль тўғри келган бўлса, қисқа давр ичида республикада бир қатор автомобиль компанияларининг заводлари ва бу заводларга хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг қурилиши, йил сайин аҳолининг моддий имконияти яхшиланиши, тадбиркорларнинг, диллерларнинг ривожланган давлатлардан бир неча турдаги автомобилларни олиб келишини ортиши билан маълумотларга кўра ҳозирга келиб, бу кўрсаткич ҳар минг аҳолига 100-120 та автомобилга тўғри келмоқда. Кўриниб турибдики, энг асосий кўрсаткичлардан бири йил сайин кескин ортиб бормоқда.

Ҳалқ ҳўжалигининг бошқа тармоқларида бўлганидек, автотранспорт тизимида ҳам юз бераётган катта ўзгаришлар соҳада амалий ишлар қилинаётганлигидан дарак беради. Давлатимиз мустақиллигининг дастлабки даврларида автомобилсозлик саноатига пойдевор қўйилиб, соҳанинг таракқий эта бошлаганлиги юртимиз истиқболининг ёркин кўринишларидан биридир.

МАВЗУНИНГ ДОЛЗАРЪЛИГИ

Тарнспорт йўллари сифати ҳамда замонавий инфратузулмавий таъминоти юкларни ташиш тезлигининг ошишига олиб келади ва пировард натижада мамлакат ялпи ички махсулотнинг ўсишини таъминлайди. Халқаро молия бозорларидаги инқироз ва бунинг оқибатида вужудга келган иқтисодий қийинчиликлар даврида ривожланаётган мамлакатлар учун иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида вақтинчалик фойдаланилмаётган меҳнат ресурсларини мамлакатнинг транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга сафарбар қилиш бўйича ривожланган мамлакатлар тажрибасини амалиётга тадбиқ этиш кутилган натижаларга олиб келади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда автомобиль йўлларини куриш, ундан фойдаланиш соҳасида мавжуд йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан кенг камровли ишларни янада жонлантириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз [37].

Аҳолининг енгил автомобиллари сонини ортиши, умумий қилиб айтганда, йўлларнинг равонлиги, йўл белгиларининг қўлланилиши, светафорларнинг ишлаши, йўлларда ҳаракатланишини яхшилаш, йўл транспорт ходисаларни, ҳар хил бахтсиз ходислар вужудга келишини олдини олиш муҳим муаммолардан бири бўлиб келмоқда [23, 27].

Давлатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва аҳолининг ҳаёт даражасини кўтаришда транспортнинг ўрни ва моҳияти биқиёсдир. Транспорт ишлаб чиқаришнинг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Унинг асосий вазифаси мамлакатнинг турли-туман юклар ва йўловчиларни ташишга бўлган талаб-эҳтиёжини қондириш, минтақалар орасида меҳнат тақсимотини таъминлаш ва ташқи иқтисодий алоқаларни кучайтиришдан иборат. Транспорт ишлаб чиқарувчи кучларнинг мамлакат бўйлаб жойлашиши ва ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Транспорт ҳам sanoat, ҳам қишлоқ хўжалигининг турли хил махсулотларини яратишда ва уларни истеъмолчиларга етказиб беришда фаол қатнашади. Йўловчиларни бир манзилдан иккинчи бир манзилга ташишда ҳам транспортнинг аҳамияти

катта. Транспорт ҳудудлар тараққиётига улкан таъсири кўрсатиш билан бирга, транспорт тараққиётининг ўзи ҳам иқтисодиёт ривожини, техника тараққиёти даражаси билан бевосита боғлиқ. Турли хил алоқа йўллари ва транспорт турларининг мамлакат ҳаётида қанчалик муҳим ўрин тутиши, мавжуд йўللар ва умуман, коммуникация давр талабига жавоб бермаслиги устида тўхталиб, И.Каримов “Коммуникациялар тизими ҳақида гапирганда, Ўзбекистон географик мавқеининг ўзига хослиги, портларга ва энг катта транспорт узелларига чиқиш йўлининг йўқлиги туфайли транспорт тармоқлари ва коммуникацияларни ривожлантириш масалалари устивор стратегик, ҳаётий муҳим аҳамият касб этажани таъкидламоқ даркор” деган эди [36].

Республикада ишлаб чиқарилаётган йўловчи ташувчи транспорт воситалари учун автоуюшмалар ҳамда улар қошида четдан келтирилган замонавий техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш устахоналари, кичик автосервис корхоналари, техник хизмат кўрсатиш шахобчалари ва автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчалари қуриш зарур бўлиб келмоқда.

Техник хизмат кўрсатиш – бу автомобилларни бузилишини олдини олувчи ва уларни соз ҳолатда бўлишини таъминлаш учун амалга ошириладиган ишларни мажмуидир.

Таъмирлаш эса, содир бўладиган носозликларни бартараф этадиган ва автомобилларни ишчанлигини тиклаш учун бажариладиган ишларни мажмуасидир.

Техник хизмат кўрсатиш (ТХК) тизимида бажариладиган ишларни тури ва даврийлиги бўйича қуйидаги техник хизмат турлари бажарилади:

- Кунлик техник хизмат кўрсатиш (КТХК);
- 500-1000 км (ТХК-1000) масофани босиб ўтгандан сунг, янги автомобилларга техник хизмат кўрсатиш;
- Даврий техник хизмат кўрсатиш;
- Мавсумий техник хизмат кўрсатиш (МТХК) 500-1000 км– қисқа муддатли ишлашдан сунг автомобилларга ТХК ўтказишдан мақсад:

боғланма детал, узел ва агрегатларни узлуксиз, ишончли ишлашини таъминлаш учун маҳкамлаш, қотириш ва ростлаш ишларини ўтказишдир;

- Кафолатли хизмат маълум маъсофадан сўнг ўтказиладиган техник хизмат, автомобилни сотиб олишда, берилган сервис дафтарчасининг талони бўйича бириктирилган техник хизмат кўрсатиш корхонасида амалга оширилади;
- Ювиш, ташхислаш ажратиш-йиғиш, чилангар-механик, мисгарлик, пайвандлаш, тунакасошлаш, гилофлаш, бўёқчилик ва бошқа ишларни ўз ичига олади. Талаб, эҳтиёжга қараб амалга оширилади ва содир бўлган бузуклик, носозликларни бартараф этиш ҳамда огоҳлантириш, тиклаш йўли ва алмаштириш билан;
- Агрегатларни айрим деталлари ва узеллари;
- Автомобилдаги – айрим деталлар, узеллар ёки агрегатларни таъмирланади.

Техник ташхислаш иккита асосий вазифани бажаради. Автомобилларни техник ҳолатини текшириш ва носозликларни аниқлаб топиш.

Мамлакатимиз ўз автомобилсозлигининг жадал ривожланиши ва “Буюк ипак йўли”нинг қайта тикланиши Республикамиз автотранспорти ривожининг асосини ташкил этиб, автотранспорт воситалари техник ҳолатини юқори даражада таъминлашда замонавий автосервис хизматлари ташкил этиш ва уларни амалга ошириш учун халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган янги замонавий технологиялар асосида кичик ва ўрта типдаги автотеххизмат корхоналарини барпо этишни тақозо этади.

Президентимиз И.Каримов ўзининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асаарида якунида мамлакатимизда ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурида кўзда тутилган тадбирларни изчиллик билан амалга ошириш жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таҳдид ва хатарларига

муносиб қарши туриш, унинг иқтисодиётимизга салбий таъсирининг олдини олиш имконини беришига ишонч билдирдилар. Айти пайтда бу дастур инқироздан сўнг Ўзбекистон иқтисодиётининг янада кучли, барқарор ва мутаносиб ривожланган ҳолда майдонга чиқиши, жаҳон бозорларида ўзимизнинг мустаҳкам ўрнимизни эгаллаш, шулар асосида изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш бўйича олдимизда турган устувор вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун ишончли замин яратишини белгилаб бердилар [3-4].

Республикамызда автомобилларнинг кескин кўпайиши кичик хусусий автокорхоналар хизматиға бўлган эҳтиёж ортди.

Мен «Андижон шаҳрида икки иш ўринли кичик вулканизация устахонасини лойиҳалаш» мавзусида малакавий битирув ишини бажариш учун вазифа қилиб олдим. У кириш, мавзунинг долзарблиги, адабиётлар шарҳи, асосий қисм, меҳнат муҳофазаси қисми ҳамда хулоса ва адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Шу сабабли мени бажарган малакавий битирув иш мавзуим ҳозирги кунда ўта долзарбдир.

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Йўловчи ташувчи транспорт воситалари учун автоуюшмалар ҳозирги кунда керакли уюшма ҳисобланади. Унинг қошида автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи корхоналар, устахоналар ва ёнилғи қуйиш шахобчаларини қуришдир. Бу корхоналар ҳозирги замон талабига жавоб берувчи, жаҳон андозаларига мос ва юқори сифатли хизмат кўрсатиши керак. Бунинг учун юқорида айтиб ўтганимиздек жуда кўп юқори сифатли ихчам ва замонавий устахоналар ва кичик хусусий устахоналари барпо этиш зарур. Устахона хусусий корхоналарни лойиҳалашда жуда кўп илмий манбаалар ва адабиётлардан фойдаланилди.

И.А.Каримов «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарида 2008 йилда бошланган ва бугунги кунда кўлами тобора кенгайиб ва чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига баҳо берар экан, кўпгина халқаро эксперт ва мутахассислар бу инқирознинг сабаблари ва янада авж олиши билан боғлиқ прогнозларида жавоблардан кўра кўпроқ саволларга дуч келишмоқда. Ҳавола этилаётган «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» деб номланган Ушбу асарнинг долзарблиги ҳам айнан анна шу ҳолатлар билан изоҳланади [3].

А.Ш.Бекмуродов, У.В.Ғафуров, Б.К.Тухлиев «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» ўқув кўлланмасида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тавсиясига кўра таълим тизимида жорий қилинаётган факультатив ўқув курси учун мўлжалланган. Унда Президентимиз Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, «Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарининг асосий мазмуни баён этилган. Президентимиз томонидан асарда кенг эътибор қаратилган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мазмуни, келиб чиқиш сабаблари ва салбий таъсири оқибатлари, Ўзбекистонда

инқироз таъсири оқибатларининг олдини олиш ва юмшатишга асос бўлувчи омиллар, мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш ва янгилашни изчил давом эттириш борасида қўлга киритилаётган ютуқлар, устувор йўналишлар, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари тўғрисида талабаларга янада кенгроқ тушунча бериш мақсадида асосий масалалар атрофлича ёритилиб берилган [4].

И.А.Каримов «Биздан озод ва обод ватан қолсин» тўпламида Республикада бозор муносабатларини йўлга қўйиш, иқтисодий ислохатларни жадаллаштириш, хусусий мулкни ҳамда тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган, янгилашни жабуҳасида учраётган мураккабликлар ва тўсиқларни енгиш йўллари кўрсатиб берилган асарлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессияларида қилган маърузалари, чет эл сафарларида, халқаро миқёсдаги йиғилишларда, республика Вазирлар Маҳкамаси йиғилишларида, турли учрашувларда сўзлаган нутқлари жамланган [5].

И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида айтилганидек, транспорт воситаларининг ўрни Ўзбекистоннинг ривожланиш асосларидан бири ҳисобланади. Айниқса ҳозирги ижтимоий ривожланиш даврида мустақил Ўзбекистонимизда автомобилларнинг сони кундан-кунга кўпайиб бораётган бир даврда уларни техник соз холда ушлаб туриш зарур. Транспорт воситаларини ишлаш муддатини узайтириш учун уларга вақтида техник хизмат кўрсатиш ва автомобиль йўллари талабга жавоб бериши керак. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда йўл қурилиши бўйича катта ишлар олиб борилмоқда [6].

И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон буюк келажак сари» асарига халқимиз ҳамда халқаро жамоатчилик ўртасида жуда катта қизиқиш уйғотган «Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида», «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» каби машҳур асарлари киритилган. Уларда буюк

келажак сари дадил олға бораётган республикамиз ички ва ташқи сиёсатининг асосий қоидалари, чинакам ҳуқуқий-демократик давлат барпо этишнинг ўзига хос тамоиллари ҳамда туб иқтисодий, сиёсий ва маънавий ислохотларни изчил амалга ошириш асосида Ўзбекистоннинг Дунё ҳамжамиятида ўз ўрнини таъминлаш борасидаги долзарб масалалар теран таърифлаб берилган [7].

И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» асари Ватанимиз иқтисодининг ривожланиши автотранспорт ва автомобиль йўлларининг аҳамияти бошқа соҳалар каби муҳумлиги кўрсатиб ўтилган [8].

О.Ҳамрақулов томонидан тайёрланган «Автомобиллар сервис асослари» дарслигида замонавий автомобиллар сервисининг вазифа ва мақсадлари, унинг республикамизда пайдо бўлиши ва ривожланишининг ўзига хослиги, ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши асослари ва унга қўйиладиган талаблар келтирилган. Шунингдек, дарсликда фирма усулидаги автосервис, автосервис корхоналарининг ишлаб чиқариш участкалари ва технологик жиҳозлари ҳамда автосервис хизмати сифатини таъминлаш чора тадбирлари келтирилган [9].

М.З.Мусажанов «Автотранспорт тармоғи корхоналарини лойиҳалаш» дарслигида автотранспорт тармоғи корхоналарини лойиҳалаш асослари ва услубияти берилган, корхоналар таснифи, уларни лойиҳалаш тартиби, технологик лойиҳалаш меъёрлари, шунингдек, ҳар хил турдаги автотранспорт корхоналарининг технологик ҳисоби, уларни режалаштириш, республикамиз ва хорижий мамлакатлар замонавий лойиҳалаш амалиётида яратилган корхоналарнинг янги ва қайта қуриш режалари, уларнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари келтирилган [10].

О.Ҳамрақулов, Ш.Магдиев «Автомобилларнинг техник эксплуатацияси» дарслигида амалий фаолиятдаги автомобиллар техник эксплуатациясининг ҳолати. Яъни автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва жорий таъмирлаш тенологияси, ҳамда автотранспорт корхоналарида

ишлаб чиқаришда қўлланиладиган технологик жиҳозлар, ҳаракатдаги таркибга моддий-техник таъминотни ташкил қилиш ва ресурсларни тежаш усуллари, автомобиль транспортини турли экстремал табиий-иқлим ва йўл шароитларидаги, асосий ишлаб чиқариш базаларидан ажралган ҳолдаги, ҳамда махсулаштирилган ҳаракатдаги таркибнинг эксплуатацияси, автомобиль транспортининг атроф-муҳитга зарарли таъсирининг йўналишлари ва уларни камайтириш йўллари келтирилган [11-12].

Қ.М.Сидикназаров умумий таҳрири остида таржима қилинган «Автомобиллар техник эксплуатацияси» дарслигида автомобиллар техник эксплуатациясининг ҳолати фан тармоғи ва амалий фаолият сифатида, эксплуатация соҳасида ишлаётган муҳандисга талаблар ёритилган, автомобиллар техник ҳолатининг ўзгариш сабаблари, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш режали-огоҳлантириш тизими, уларнинг меъёрлари, хизмат кўрсатиш воситаларининг ўтказиш қобилиятини шакллантириш қонуниятлари, автомобилларга ТХК ва таъмирлаш технология асослари, ишлаб чиқаришни бошқариш услублари ва моддий техник таъминотни ташкил этиш, махсус шароитларда автомобилларнинг техник эксплуатацияси, автомобиллар техник эксплуатацияси тараққиётининг истиқболлари ва экологик хавфсизликни таъминлаш услублари баён этилган [13].

Э.А.Асатов, А.А.Тожибоев. «Ишончлилик назарияси ва диагностика асослари» ўқув қўлланмасида транспорт воситаларининг техник ҳолати, ишлаш қобилияти, қисм ва бирикмаларнинг ҳар хил омиллар таъсирида эскириши, ейилиши ҳақида тушунча берилган бўлиб, уларнинг ишончлилиги баён этилган ҳамда эксплуатация жараёнида буюмларни ишончликка синаш ва ишончлилик хусусиятлари кўрсаткичларини қўллаш усуллари ёритилган. Шунингдек, транспорт воситалари ишонччилигини ошириш йўлида айрим конструкцион ва эксплуатацион чоралар бўйича тавсиялар берилган. Диагностик ташқи белгилар, параметрлар ва меъёрлар, объектнинг техник ҳолати таърифланган. Диагностиканинг умумий жараёни ва техник

диагностика воситаларига қўйиладиган талабалар, транспорт воситаларини диагностикалаш усуллари ва диагностикалаш воситалари таснифи ҳамда диагностика самарадорлигини баҳолаш бўйича маълумотлар келтирилган [14].

О.Ҳамрақулов, Ҳ.Ҳамрақулов «Автомобиль деталлари ишлаш қобилиятини қайта тиклаш» ўқув қўлланмасида автомобилларни тўлик таъмирлаш жараёнида, дефектоскопия асосида ажратилган, таъмирланиши керак бўлган деталларнинг ишлаш қобилиятини тиклаш услублари ва технологиялари, ҳамда қўлланиладиган жиҳозлар ва материаллар бўйича маълумотлар мужассамланган [15].

Э.Файзуллаев ва бошқалар «Транспорт воситасининг тузилиши ва назарияси» дарслигида автомобиль механизми ва системаларининг вазифаси, умумий тузулиши, ишлаш принципи ва турлари келтирилган [16].

М.М.Файзиев ва бошқалар «Ички ёнув двигателлари» дарслигида ички жараёнлар ва уларнинг ички ёнув двигателининг энергетик, тежамкорлик ва экологик кўрсаткичларига, шунингдек, ишончлилиқ параметрларига таъсири, двигателнинг конструкцияси ва ишлатилишининг ўзига хослигини иш жараёнларининг кечишига таъсири таҳлили, кривошип-шатун механизми кинематикаси ва динамикаси бўйича маълумот, ИЁД ва уларнинг қисмларини мувозанатлаш, тебраниши, шовқини ва титраши масалалари, ИЁД деталлари ва тизимларининг ишлаш шароити, конструкцияларининг ўзига хослигини таҳлили ва ҳисоблари келтирилган [17].

С.М.Қодиров «Ички ёнув двигателлари» дарслигида автомобиль, трактор, қишлоқ хўжалиқ ва йўл қуриш машиналарининг ички ёнув двигателларида содир бўладиган жараёнларнинг назарияси ҳамда уларнинг иш цикли, қуввати ва ёнилғи сарфига таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлили, ёнилғилар ва уларнинг ёнишида содир бўладиган кимёвий реакциялар, карбюраторли двигателларда ёнилғи бериш ва ҳаво аралаштириш аппаратларининг ишлаш принципи, дизелларда ёнилғи бериш аппаратининг ишлаши ҳамда ёнувчи аралашма ҳосил қилиш жараёнлари кўриб чиқилган.

Двигателларни синаш усуллари ва бу мақсадда қўлланиладиган асбоблар, синаш натижасида олинadиган характеристикалар, шунингдек, двигател конструкцияларининг ривожланиш истиқболлари, кривошип-шатунли механизмнинг кинематикаси ва динамикаси, двигателларни мувозанатлаш ва равон ишлашини таъминлаш масалалари, двигателнинг барча тизимлари ва деталларнинг тузилиши келтирилган [18].

Ғ.Махмудов, О.Ҳамрағулов «Автомобиль электр ва электрон жиҳозлари» 1-2 қисм ўқув қўлланмасида назорат ўлчов асбоблари ва диагностика тизими, ёритиш ва хабар бериш тизими, қулайлик яратувчи асбоблар тизими, двигател ва трансмиссияни автоматик бошқариш тизимлари бўйича маълумотлар келтирилган[19-20].

В.Ф.Бабков, О.В.Андреевлар тайёрланган А.Р.Қодирова таржима қилинган «Автомобиль йўллари лойиҳалаш» дарслигида қидирув ишларига ва автомобиль йўллари лойиҳалашга бағишланган. Биринчи қисмида йўлнинг режадаги ва профилдаги элементларига қўйиладиган асосий талаблар, йўл пойи турғунлигини таъминлаш усуллари, йўл қопламасининг қалинлигини белгилаш ва йўл ўқ чизиғини жойда ўтказиш, сув ўтказувчи кичик иншоотларни ҳисоблаш масалалари баён этилган. Иккинчи қисмида кўприкли ўтиш жойларини лойиҳалашдаги гидрологик, гидравлик ва ўзан ҳисоблашлари, мураккаб табиий шароитларда йўлларни лойиҳалаш хусусиятлари, шунингдек, лойиҳа-қидирув ишлари технологияси тавсифланган. Автоматлаштирилган лойиҳалашга эътибор кучайтирилган, Янги меъёрий ҳужжатлар ва автомобиль йўллари лойиҳалашдаги энг янги ютуқлар ҳисобга олинган [21-22].

Қ.Ҳ.Азизов «Ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш асослари» дарслигида йўл ҳаракатини ташкил этишнинг асосий тамойиллари ва уларни муайян шароитда амалга ошириш усуллари, транспорт ва пиёдалар оқимларини тавсифловчи кўрсаткичлар, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда транспорт воситаларининг техник ҳолатининг аҳамиятини, ҳайдовчи ва унинг ҳаракат хавфсизлигини таъминлашдаги ўрни, ҳаракатни

бошқаришнинг техник воситаларини ва йўл ҳаракатини ташкил этишнинг амалий тадбирлари ҳар томонлама фан ва техника ютуқлари ҳамда чет эл тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда ёритиб берилган [23].

Ё.К.Қориёва «Глобаллашув жараёнида халқаро транспорт логистик тизими фаолиятининг самарадорлиги» номли рисоласида халқаро йўналишларда юкларни ташишни ташкил этишнинг иқтисодий муаммолари логистик ёндашув асосида баён этилган бўлиб, глобаллашув транспорт логистик тизимларнинг рақобатбардошлилигини ошириш омили сифатида қаралади. Миллий транспорт тизими фаолиятида логистикани қўллашнинг муаммолари, юкларни ташишни ташкил этишнинг замонавий технологияларини жорий этиш имкониятлари ва транспорт тизими фаолиятини таҳлил этиш ва башоратлашнинг математик моделлари ишлаб чиқилган ва амалий ечимлари тавсия этилган [24].

Т.О.Алматаев, И.З.Носиров «Транспорт воситалари ички ёнув двигателлари» ўқув қўлланмада автомобиль ва тракторларда ишлатиладиган ички ёнув двигателларининг тузулиши, таснифи ҳамда уларнинг иш жараёнлари параметрлари ва динамикаси берилган [25].

С.М.Қодиров, К.М.Назаров «Йўл-транспорт ҳодисалари таҳлили» ўқув қўлланмасида йўл транспорт ҳодисалари таҳлили, тушунчалар, атамалар, экспертиза турлари, экспертиза материалларини расмийлаштириш, экспертизанинг ўтказиш процессуал меъёрлари, ҳисоблаш ишларини компьютерда бажариш асослари ёритилган [26].

Қ.Ҳ.Азизов «Ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш асослари» қўлланмасида Ўзбекистон умумжаҳон иқтисодиётига қараб бориши жадаллашаётган ҳозирги даврда Республикамиз раҳбарияти томонидан «Йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш муаммоси»га катта эътибор қаратилган. Республикамиз Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш комиссияси фаолияти кўрсатилмоқда. Комиссия қарорига асосан мамлакатимиздаги шу соҳанинг йирик олимлари ва мутахассислари томонидан «Йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини

ошириш» концепцияси ишлаб чиқилди. Ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга молик қонунлар мажмуаси устида иш олиб борилмоқда. Пировард мақсад автомобиллаштиришнинг салбий оқибати бўлмиш йўл-транспорт ҳодисаларини, ҳалок бўлаётган ва жароҳатланаётган инсонлар сонини камайтиришга қаратилган [27].

Ф.В.Гурин, В.Д.Клепиков, В.В.Рейнлар «Автомобилсозлик технологияси» дарсликда автомобиль ва трактор деталларини тайёрлаш жараёнларини лойиҳалашнинг асосий қоидалари келтирилган [28].

Б.А.Хўжаев «Автомобилларда юк ва пассажирлар ташиш асослари» дарслигида автомобиль транспорти воситалари, улар иш кўрсаткичлари, эксплуатация хусусиятлари, унуми, уларни танлаш ва ҳисоблаш, юк ва пассажирлар ташиш ҳамда юк ортиш-тушириш ишларини ташкил этиш асослари ёритилган [29].

Б.А.Хўжаев «Ягона транспорт тизими ва ҳар хил транспортлар ўзаро ёндашуви» дарслигида республикамиздаги барча транспорт турларининг аҳамияти, уларнинг ўрни ва истикболлари, техник- иқтисодий хусусиятлари ҳамда улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш масалалари ёритилган [30].

О.Хамрақулов ва бошқалар «Транспорт воситаларида ишлатиладиган эксплуатацион материаллар» ўқув қўлланмада нефть ва нефтдан олинadиган ёнилғи, мойлаш материаллари ва махсус суюқликларни автомобиллар ва бошқа қишлоқ хўжалиги машиналари эксплуатациясида ишлатилиши, уларнинг физик-кимёвий хоссалари ва сифатини двигател ишига таъсири, техникада улардан оқилона фойдаланиш, ёнилғи ва мой маҳсулотларини меъёрлаш ҳақида маълумотлар мужассамлашган [31].

С.А.Усмонов, М.Рахматуллаев «Техник тизимларни бошқариш» автомобиль транспорти техник эксплуатациясида бошқаришни ташкил қилиш, бошқарув қарорларини оптималлаштиришнинг ва транспорт тизимларида ташкилий таркибларни қуришнинг илмий асослари қараб чиқилган. Техник эксплуатацияда бошқарув ва қарор қабул қилиш усуллари, ҳаракат таркибининг сифати, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш тизими

хамда ишлаб чиқариш ходимларнинг техник эксплуатация самарадорлигига таъсири илмий тадқиқ этилган [32].

О.Хамрақулов, Х.Хамрақулов «Автомобиль деталларининг ишлаш қобилиятини қайта тиклаш» ўқув қўлланмада, автомобилларни тўлиқ таъмирлаш жараёнида, дефектоскопия асосида ажратилган, таъмирланиши керак бўлган деталларнинг ишлаш қобилиятини тиклаш услублари ва технологиялари, ҳамда қўлланиладиган жаҳозлар ва материаллар бўйича маълумотлар мужассамлашган[33].

Ў.Йўлдашев ва бошқалар «Меҳнат муҳофазаси» ўқув қўлланмасида меҳнат муҳофазасининг умумий қоидалари, ишлаб чиқариш санитарияси, ускуналар хавфсизлиги техникаси, ёнғин хавфсизлиги масалалари ҳамда Ўзбекистон республикасида қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар асосида ёзилган [34].

О.Қ.Қудратов ва бошқалар «Хаёт фаолияти хавфсизлиги» қўлланмасида фаннинг тарихи, келиб чиқиши ва унинг инсон учун аҳамияти келтирилган. Унда саноат корхоналарида меҳнат муҳофазаси инсонни ишлаб чиқаришдаги аҳволи билан шуғулланади [35].

ТЕХНОЛОГИК ХИСОБ ҚИСМИ

АТХКСлар учун

Бошланғич маълумотлар

Шахар туридаги АТХКС учун

- автомобилнинг тури; Матиз Дамас Тико
- йил давомида хизмат кўрсатиладиган автомобиллар сони; 2200 та
 - битта автомобилнинг регион бўйича йил давомида ўртача босиб ўтадиган масофаси; $L_{1\text{мат}}=20000$ $L_{2\text{дам}}=24000$ $L_{3\text{тико}}=35000$
- йил давомида АТХКСга автомобилнинг ўртача кириш сони; $d =4$

АТХКСнинг тури ва қувватини асослаш.

АТХКСларда ҳам бошқа саноат ишлаб чиқариш корхоналари каби, икки асосий кўрсаткич белгиланган: ишлаб чиқариш қуввати ва станция хажми.

АТХКС ишлаб чиқариш қуввати - бир йилда комплекс хизмат кўрсатилган автомобиллар сони билан аниқланади. АТХКСларнинг хажми - бир вақтда автомобилларга ТХК, таъмирлаш, кутиш ва сақлаш учун ажратилган автомобил жойлар билан ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда АТХКСнинг ишлаб чиқариш қуввати ва хажм кўрсаткичлари учун, бизнинг давлатимизда ягона кўрсаткич қабул қилинган - автомобилларга ТХК ва ЖТ ишлари бўйича автомобиль ишчи пости.

Шахарда жойлашган АТХКС тури ва қувватини аниқлашда асосий омиллардан лойиҳаланилаётган станция атрофидаги автомобилларнинг сони ва хиллари ҳисобланади.

АТХКС (универсал ёки махсуслигини) билиш учун тахминий ТХК ва ЖТ автомобил ишчи постларини аниқлаш керак.

ТХК ва ЖТ нинг постлардаги йиллик меҳнат сарфи хар 1000 км юрилган йўлга тўғри келувчи меъёрий меҳнат сарфи орқали топилади:

$$T_T = N_{\phi} * L_{\text{й}} * t / 1000 \text{ ишчи соат;}$$

бунда, $L_{\text{й}}$ - бир автомобилнинг йиллик ўртача юрган йўли, км

$N_{\text{ф}}$ - станциядан йил давомида фойдаланувчи автомобиллар сони;

t - ТХ ва ЖТ нинг хар 1000 км юрилган йўлга тўғри келувчи меъёрий меҳнат сарфи, ишчи-соат. (Станцияларнинг катталиги ва автомобилларнинг классига қараб танлаб олинади).

Постлар сони номаълум булганлиги учун “ t ” қийматини танлаш учун бир ишчи пости йил давомида бир сменали ишлаш режимида 75-80 автомобилларга, 2 сменали ишлаш режимида эса 140-150 автомобилларга хизмат кўрсата олади, деб ҳисобланади.

Станцияларда техник хизмат ва ремонт ишларининг солиштирма хажми,

t (ишчи*соат/1000 км); (ОНТП-АТП-СТО-80 меъёри бўйича)

Матиз учун 1,2 ишчи*соат

Дамас учун 1 ишчи*соат

Тико учун 1,4 ишчи*соат

Бу ишларга ювиш ва йиғиштириш ишлари кирмайди.

Бир неча хил автомобилларга хизмат кўрсатувчи универсал станциялар лойиҳаланса, жами йиллик иш хажми:

$$T_{\text{т}} = N_{\text{ф1}} * L_{\text{й1}} * t_1 / 1000 + N_{\text{ф2}} * L_{\text{й2}} * t_2 / 1000 + N_{\text{ф3}} * L_{\text{й3}} * t_3 / 1000 = 69300$$

бунда $N_{\text{ф1}} = 660$, $N_{\text{ф2}} = 880$, $N_{\text{ф3}} = 660$,

$L_{1\text{мат}} = 20000$ $L_{2\text{дам}} = 24000$ $L_{3\text{тико}} = 35000$

$t_1 = 1,2$, $t_2 = 1$, $t_3 = 1,4$

хизмат кўрсатадиган автомобиллар сони, йиллик ўртача босиб ўтган йўли, ҳамда ТХ ва ремонт ишларининг солиштирма иш хажми.

Агар станцияда автомобиллар сотилиши, кафилик техник хизмати ва ремонт кўзда тутилса, у ҳолда умумий йиллик ТХ ва ремонт ишларининг хажми:

$$T_{\text{ум}} = T = 69300 \text{ ишчи*соат}$$

ифодаси билан ҳисобланади.

Йиллик ювиш йиғиштириш ишлари хажми йилда автомобилларни станцияга кирадиган сони $d=(3,5 - 5 \text{ марта})$ ва ишларни ўртача хажми $t_{юй}$ билан белгиланади.

$$T_{юй} = N_{ф} * d * t_{юй} = 2200 * 4 * 0,25 = 2200 \text{ ишчи*соат}$$

Ювиш-йиғиштириш ишларининг ўртача хажми механизациялашган бўлса $t_{юй}=0.1-0.25$, агар қўлда шланга билан ювилса 0.5 ишчи соат қабул қилинади.

Хисобланган ремонт ишларининг умумий йиллик хажми бажариладиган жойларга қараб бўлинади.(жадвал-1)

Шахар автосервисларда ТХ ва ремонт ишларини участкаларга бўлиниши

1-жадвал ТАҚСИМЛАНИШИ (ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЬ)						
69300	Хиссас и %	Хажми	Постда %	Хажми	Устахонада %	Хажми
Диагностика	4	2772	100	2772	0	0
Тўла ТХ	10	6930	100	6930	0	0
Мойлаш	2	1386	100	1386	0	0
Олд гид созл	4	2772	100	2772	0	0
Торм созл	3	2079	100	2079	0	0
Озиқ сис ТХ ва ремонт, электротехн	4	2772	75	2079	25	693
шиномонтаж	1	693	30	207,9	70	485,1
Автомобиль агрегатлари ва узеллари ремонтлари	12	8316	45	3742,2	55	4573,8
Кузов ишлари	30	20790	75	15592,5	25	5197,5
Бўёқчилик	25	17325	100	17325		0
Ўриндиқ ва гилофлар ремонтлари	5	3465	50	1732,5	50	1732,5
Ювиш йиғиштириш жами	0	0	100	0	0	0
	100	69300		56618,1		12681,9
				баланс	69300	

Корхонанинг ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ишлари ҳажми.

Корхонанинг ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш ишлари ҳажмини ҳам ҳисоблаб чиқиш зарур. Бу ишлар қуйидаги ёрдамчи ишлар ҳажми орқали ҳисобланади:

Корхонанинг технологик жиҳозларига техник хизмат кўрсатиш ва ремонт қилиш, инженерлик коммуникацияси, барча турдаги биноларга хизмат қилиш ва таъмирлаш, асбоблар ва ностандарт жиҳозларни тайёрлаш ва ремонт қилиш.

Ёрдамчи ишлар ҳажми автомобиль ТХК ва ремонт қилиш, ювиш-йиғиштириш ишларининг йиллик ҳажмидан 15-20 % ҳисобида олинади.

$$T_{\text{ёрд}} = (T_{\text{ум}} + T_{\text{юй}}) * K_{\text{ёрд}} / 100 = (T + T_{\text{сот}} + T_{\text{кфтх}} + T_{\text{кфр}} + T_{\text{юй}}) * K_{\text{ёрд}} / 100$$

$K_{\text{ёрд}}$ -ёрдамчи ишлар фоизи, 15-20 %.

Ёрдамчи ишлар ҳажми ($T_{\text{ёрд}}$) тахминан қуйидагича тақсимланади (жадвал-3).

ёрдамчи ишларнинг тақсимланиши

	Ёрдамчи	Постлар сони 10-25	Ҳажми
		Хиссаси %	
Ўз- ўзига хизм	10725	65	6971
Транспорт	10725	10	1073
Авт.ни силжитиш	10725		0
Моддий техника материалларининг қабул, сақлаш ва тарқатиш	10725	10	1073
Ҳоналар ва майдонларни тозалаш	10725	15	1609
		100	10725

Корхонанинг ўзига ўзи хизмат кўрсатиш ишлари йиллик ҳажми $T_{\text{ўз}}$ - ёрдамчи ишлар йиллик ҳажмидан фоиз ҳисобида топилади.

$$T_{\text{ўз}} = [(T_{\text{ум}} + T_{\text{юй}}) * K_{\text{ёрд}} * K_{\text{ўз}}] / 10000 = (69300 + 2200) * 0,65 * 0,15 = 6971$$

АТХКС ишчилари сонини аниқлаш.

Техник хизмат ва жорий ремонт ишларини бажарувчи ишчилар сони технологик ва штатдаги (рўйхатдаги)ларга бўлинади. Технологик ишчилар

сони P_T (кунда ишга чиққувчилар сони) сутка давомидаги ишларни, штатдаги ишчилар $P_{ш}$ эса йиллик ишлар хажмини бажаришни таъминлайди.

Технологик ишчилар сони қуйидагича топилади:

$$P_T = T_{й} / \Phi_{T, \dots} \text{ бунда}$$

$T_{й}$ -техник хизмат ва ремонт ишларининг зона ёки участка бўйича йиллик хажми, ишчи соат ҳисобида.

Φ_T -технологик ишчининг бир йиллик бир смена ишлагандаги иш вақти фонди, соат ҳисобида.

6 иш кунлик ҳафта учун

$$\Phi_T = (D_{кк} - D_d - D_б) * T_{см} - D_{ш.б}$$

$D_{кк}$ -йилдаги календар кунлари

D_d -йиллик дам олиш кунлари

$D_б$ -йилдаги байрам кунлари

$D_{ш.б}$ -йиллик шанба ва байрам кунлари

Сменанинг иш давоми $T_{см}$ иш шароити нормал бўлган касблар учун 5 кунлик иш ҳафтасида 8.2 соат, 6 кунлик иш ҳафтасида 7 соат, иш шароити зарарли бўлган касблар учун эса 7.2 ва 6 соатларни ташкил этади. Йиллик иш соатлар умумий миқдори 5 кунлик ва 6 кунлик иш ҳафталарида бир хил бўлади.

Лойиҳалаш тажрибасида Φ_T нормал иш шароитли касблар учун 2070 ва зарарли шароитли касблар учун 1830 соат қабул қилинади.

Штатдаги (руйхатдаги) ишчилар сонини эса қуйидагича топилади:

$$P_{ш} = T_{й} / \Phi_{ш}$$

бунда, $\Phi_{ш}$ -штатдаги ишчининг йиллик иш вақти фонди, соат ҳисобида.

Штатдаги ишчининг йиллик иш вақти фонди (жадвал 3.4) унинг иш жойида бир йилда ишлаб бериши мумкин булган ҳақиқий вақтидир.

Штатдаги ишчиларнинг йиллик вақти фонди.

$$\Phi_{ш} = (D_{кк} - D_d - D_б - D_T - D_{чм}) * T_{см} - D_{ш.б} * 1$$

ёки

$$\Phi_{ш} = \Phi_T - (D_T + D_{чм}) * T_{см} \text{ бунда,}$$

D_T - шу касб учун йиллик таътил (отпуска)

D_{CM} -йил давомида сабабли ишга чиқмаган кунлар сони

Лойиҳаларда штатдаги ишчиларнинг йиллик иш вақти фонди мос равишда 1840 ва 1620 соат олиниши мумкин.

Енгил автомобил	Постда			Устахонада			Жами
	Иш хажми	Фонд	Ишчи	Иш хажми		Ишчи	
Вулканизация ишлари технологик	207,9	2070	1	485,1	2070	1	2
Вулканизация ишлари штатдаги	207,9	1840	1	485,1	1840	1	2

Ишлаб чиқариш постлари ва автомобиль жойларини ҳисоблаш.

Ишлаб чиқариш постлари ишчи ва ёрдамчи постларга бўлинади. Ишчи постларида бевосита техник хизмат ёки ремонт ишлари бажарилади, ёрдамчи постларда эса автомобилларни қабул қилиб олиш, назорат қилиш, бўялгандан сўнг қуриштириш ишлари бажарилади.

Ишчи постлари.

$$X = (T_n * \varphi) / F_n * R_{\text{ур}} = (207,9 * 1,4) / (4410 * 2) = 1$$

ифодаси билан ҳисобланади, бунда,

T_n - постларда бажариладиган ишларнинг йиллик хажми, ишчи*.соат.

φ - автомобилларни станцияга нотекис келишини ҳисобга олувчи коэффициент.

F_n - постнинг йиллик иш вақти фонди, соат.

$R_{\text{ур}}$ - постда бир вақтда ишловчи ишчиларни ўртача сони:

Постнинг йиллик иш вақти фонди қуйидагича топилади:

$$F_n = D_{\text{ик}} * T_{\text{см}} * C * \eta = 4410, \text{ соат, бунда,}$$

$D_{\text{ик}}$ - станциянинг йиллик иш кунлари;350

$T_{\text{см}}$ - смена давомийлиги, соат;7

C - сменалар сони;2

η - постнинг иш вақтида фойдаланиш коэффициенти (0.9)

ТХ ва ремонт ишларида постда бир вақтда ишловчи ишчиларни ўртача сони.-Рур

$R_{ур}$ 1,5-2,5 кузов ва бўёқлаш ишларида 1,0-1,5 киши хисобида олинади.

Шахар станцияларининг йиллик иш кунлари 350 кун атрофида, йўл бўйида жойлашган станциялар учун эса 365 кун олинади.Смена сони камида 1,5 хисобида олинади.

Ёрдамчи постлар.

Ёрдамчи ва кутиш постларни умумий сони одатдаги нормативлар бўйича бир ишчи постига 0,25-0,50 та тўғри келади. Яъни $X_{ёр} = 1$ та

Ишлаб чиқариш ва ёрдамчи хоналар майдонларини хисоблаш.

ТХ ва ремонт зоналари майдонларини хисоблаш, лойиҳалашни босқичларига қараб икки хил бўлиши мумкин.Солиштирма майдонга қараб, агар хисоб техник-иқтисодий асослаш босқичида, ёки биноларни хажмий-режалаштиришни асослаш, шунингдек, дастлабки хисоблашда, чизма-график усулда-зоналарни режасини ишлаб чиқиш босқичида. Биринчи усул бўйича ТХ ва ремонт зоналарининг майдони :

$$\Phi_{з} = \phi_{э} * X_{п} * K_{ж} = 10 * 2 * 6 = 120 \text{ квметр}$$

бунда,

$\phi_{э}$ - бир автомобиль эгаллаган жой майдон, -10 м²;

$X_{п}$ - постлар сони; - 2 та

$K_{ж}$ - постлар жойлашиши жипслиги коэффициенти, бу автомобиллар эгаллаган жойлар, йўлкалар, йўллар, ишчи ўуринлари майдонлари йиғиндиси автомобиллар-ни пландаги проекцияси (акси) майдонига нисбатини кўрсатади.

$K_{ж}$ қиймати автомобиллар габаритига ва постларни жойлаштириш схемасига боғлиқ бўлиб бир томонлама жойлашган постлар учун

$K_{ж}$ -6-7 холда қабул қилинади.

Участка (устахона) майдонларини тахминий хисоблаш учун энг кўп ишчилар ишлаётган сменадаги ишчилар билан ҳам аниқлаш мумкин

Устахоналар майдони ҳисоби					
ИШ ТУРИ		Устахонада ги иш хажми	Иш вақти фонди		Учтахонадаг и ишчилар сони
Вулканизация ишлари технологик		485,1	2070	0,23	1

Иш тури	ишчи сони	майдон			
Вулканизация ишлари технологик	1	18			

Ёрдамчи хоналар майдонини аниқлаш.

Бундай хоналарга маъмурий-маиший, савдо дўконлари ва техник вазифадаги: компрессор насос, трансформатор, венткамера типдаги жойлар киради.

Маъмурий-маиший хоналар таркиби станциянинг қувватига боғлиқдир. Кичик ва ўрта қувватли шахар станцияларида идора, станция бошлиғи учун хона, мижозлар хонаси, буфет ёки чойхона кабилар етарлидир. Йирик станцияларда, кўрсатилганлардан ташқари, техник бошлиқ ва техник хизмат ходимлари учун хоналар, диспетчер хонаси, кафе, техник консультация хонаси, автосалон бўлиши зарур.

Йўл станциялари учун қўшимча ошхона ёки ресторан, дам олиш жойи-мехмонхона ҳам бўлиши мумкин.

Маъмурий-маиший хоналар махсус архитектура лойиҳаси бўлганлиги учун СНИП П-92-76 “Саноат корхоналари ёрдамчи бинолари ва хоналари” талабига жавоб бериши керак.

Мижозлар хонаси майдони шахар станциялари учун ҳар бир ишчи постига:

- 15 постгача 8-9 м²
- 16-25 постгача 7-8 м²
- 25 дан куп постлар учун 6-7 м² ҳисобида олинади.

Техник хоналар майдони махсус нормативлар, улардаги технологик жараёнлар схемаси ва жиҳозлар сони, габаритига қараб топилади.

Эхтиёт қисмлар ва автоанжомлар дўкони майдони ҳар бир 1000 хизматдан фойдаланувчи автомобилларга 20-30 м² олинаши мумкин.

Йўл станциялари учун миқозлар хонаси бир постга 6-8 м² олинади.

Савдо дўконларида эхтиёт қисмлар ва автоматериаллар билан савдо қилувчи хона ёки сотиладиган автомобилларни намоиш қилувчи хона ва сотиладиган автомобилларни намоиш қилувчиси махсус зал-автосалон бўлиши мумкин. Савдо хонаси ҳар бир 1000 та хизматдан фойдаланувчи автомобиллар учун.

Кичик станцияларда 100-120 м²

Ўрта станцияларда 80-90 м²

Йирик станцияларда 50-60 м² ҳисобида олинади.

$$\Phi_{и/ч} = \Phi_{з} + \Phi_{о} + \Phi_{ус} = 120 + 18 = 138 \text{ квметр}$$

Ишлаб чиқариш устахоналарини технологик режаслаштириш.

Ишлаб чиқариш биносини жойлаштириш режасини станциянинг функционал тизимига биноан тузиш керак, яъни автомобилларни ишлаб чиқариш минтақа ва устахоналарига кириш кетма-кетлиги, ТХ ва ЖТ минтақаси ва устахоналарининг жойлаштириш режаси қурилиш меъёрлари ва қоидалари талаблари (СН и П 11 93-74) асосида бажарилади.

Станция биноларининг таркибига автомобилларни қабул қилиш ва топшириш бўлими, ишлаб чиқариш, омборхоналар, маъмурий ва маиший бинолар, миқозлар хонаси, автомобиль ва эхтиёт қисмлар сотиш дукони, буфет ёки қаҳвахоналар киради. Станциянинг ишлаб чиқариш биносини қуришда темир бетон конструкциядан ташқари, металл конструкцияни модуллардан фойдаланилади.

Модулнинг юк кўтарувчи элементи бўлиб 4та устун, улар орасидаги масофа 18X18 м, 24 X 24 м, 30 X 30 м ва 36 X 36 м бўлиши мумкин.

Ишлаб чиқариш биносининг асосий баландлиги 4,8 м қилиб олинади.

Агарда АТХКС икки бинода жойлаштирилса, улардан бирида маъмурий, савдо, маиший ва мижозлар учун хоналар, иккинчисига ишлаб чиқариш вазифасини бажарадиган биноларни жойлаштириш тавсия этилади.

АТХКС бир бинода (хонада, зонада) ТХ ва ЖТ постлари билан бирга мотор, агрегат, электротехник ва ёқилғи тизим асбоблари устахоналарини жойлаштириш мумкин.

Тозалаш-ювиш ишларининг постлари ва оқим чизиқлари алоҳида бинода жойлаштирилади.

Буяш устахонаси (станциянинг ишчи постлари 10дан ортиқ бўлса) икки хонада жойлашиши керак, биринчи хона бўяш ишлари, иккинчи хонада бўёқларни тайёрлаш ишлари бажарилади.

Автомобилларни қабул қилиш ва тозалаш бўлимини шундай жойлаштириш керакки, бунда ҳаракатсиз ТХ ва ЖТ минтақаси ва устахоналарига бориши, ҳамда чиқиб кета олиши керак.

Йўлдаги станциялар учун асосан боши берк универсал постлар қабул қилинади.

АТХКСда ТХ ва ЖТ минтақаси асосий ҳисобланади, шунинг учун ёрдамчи ишлаб чиқариш устахоналари унинг атрофида ёки яқинида жойлашиши керак.

Мижозлар хонасини жойлаштириш режаси тузилаётганда қуйидагилар эътиборга олиниши керак:

- диспетчер хонаси, автомобиллар қабул қилиш ва топшириши бўлимлари яқинида диагностика минтақаси, ҳамда буюртма наряди ва мижоз билан ҳисоб-китоб қилинадиган идора ва касса жойлашиши керак.

Ишлаб чиқариш устахоналарини режалаштириш.

Устахоналарини режалаштириш ечимини ишлаб чиқиш бажариладиган ишлар технологиясига, ҳамда меҳнатни илмий асосда ташкил этиш, қурилиш меъёри ва қоидаларига асосланиб тузилади.

Устахоналарнинг технологик режалаштириш-бу технологик жихозларни, ишлаб чиқаришда қўлланиладиган асбоб-ускуналарни, кўтариш-элтиш ва бошқа жихозларни жойлаштириш режасидир .

Бундан ташқари устахона режасида ишчининг иш жойи кўрсатилади, эшик ва деразаларнинг ўлчами, ҳамда устахонанинг режадаги ўлчамлари кўрсатилади.

Устахонада жихозлар бажариладиган ишларнинг технологик кетма-кетлигига асосланиб жойлаштирилади.

ИҚТИСОДИЙ ҚИСМ

Лойиҳаланаётган автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи корхонани йиллик ишлаб чиқариш дастурини тузиш.

Лойиҳаланаётган автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи корхонада йил давомида N_a та автомобилларга комплекс техник хизмат кўрсатиш, сақлаш, янги автомобилларни сотиш ишлари бажарилади. Кўрсатилган хизматлардан даромад олинади. Корхонани асосий фаолияти турли турдаги автомобилларга техник хизмат ва жорий таъмир ишларидир. Ушбу ишларни йиллик даромад хажми, таннарх, фойда ва тариф ҳисобланади. Сотилган ва сақлашдан олинган даромад ва соф фойдалар хажми ҳисобланади. Лойиҳаланаётган автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи корхона учун асосий ва айланма фондларнинг қийматлари аниқланади:

Автомобилларга комплекс техник хизмат ва жорий таъмирдан олинadиган йиллик даромад таркибидаги барча кўрсаткичларни ҳисоблаш.

Даромад таркиби:

- асосий ва ёрдамчи ишчиларни ойлик маошлари
- суғурта ажратмаси
- жиҳоз ва сарой ускуналар амортизацияси
- электро-энергия сарфи
- газ сарфи
- материаллар сарфи
- хўжалик харажатлари сарфи
- таннарх
- фойда ва тўуловлар
- ҳисобданги нарх.

Ишлаб чиқариш (асосий ва ёрдамчи) иш хақи харажатларини ҳисоблаш.

1. Бунинг учун ишчиларни ўртача тоифасини аниқланади:

$$P_{yp} = [(N_1 * P_1) + (N_2 * P_2) + (N_3 * P_3) + (N_4 * P_4) + (N_5 * P_5)] / \sum N$$

N_1, N_2, \dots, N_5 -турли разряддаги ишчилар сони. б-жадвалдан олинади.

P_1, P_2, \dots, P_5 -разрядлар

Ўртача разрядни топиш

Ишчилар	Разряд		
	Постда	Устахонада	
	5	6	
	Разряд	Разряд	
Автомобиль агрегатлари ва узеллари ремонтни технологик	1	1	2
$\sum N =$	2	ЖАМИ	2

$$P_{ур} = [(N_1 * P_1) + (N_2 * P_2)] / \sum N = ((5 * 1) + (6 * 1)) / 2 = 5,5$$

2. Асосий иш ҳақи қуйидагича аниқланади:

$$C_{ич} = T_{ум} * C_T * K_q = 693,00 * 3031 * 1,2 = 2\,520\,580 \text{ сўм}$$

$T_{ум}$ - умумий меҳнат сифими, - **693,00** ишчи соат

K_q - режани ортириб бажарилганини ҳисобга олувчи коэффициент,
 $K_q = 1,2$

C_T - бир соатга маош тўлов тарифи – 3031 сўм

P - ўртача разряд учун, бир соатлик ўртача маош тўлов тарифи (C_T) қуйидаги формула билан топилади.

$$C_T = M / F = 500000 / 165 = 3031 \text{ сўм/соат}$$

M - ойлик маош, уртача разряд учун (400000-500000 сўм)

F - ишчиларнинг ойлик баланс соат $F = 160-170$ соат

Эслатма* такомиллаштирилаётган автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи корхона асосий фондларини аниқлашда эски жиҳоз ва биноларнинг маълум қисми фойдаланилади.

3. Иштимой суғурта ажратмаси қуйидагича аниқланади:

$$C_c = C_{ич} * 0,4 = 2\,520\,580 * 0,4 = 1\,008\,232 \text{ сўм};$$

4. Корхона жиҳозлари ва станокларига амортизация ажратмаси қуйидагича аниқланади:

4. Амортизация ажратмаси

$$C_{ам} = \sum \Phi_{ос} * 0,05 = 5\,070\,000,00$$

$\sum \Phi_{oc} = K =$	101 400 000,00	сум
$K = C_{зд} + C_{ж}$	101 400 000,00	сум
$C_{ж} =$	60 000 000,00	сум
$C_{зд} = f_{кур} * Ц_{кур} =$	41 400 000,00	сум
$f_{кур} =$	138,00	кв метр
$Ц_{кур} =$	300 000,00	сум

5. Электр энергия сарфи куйидагича аниқланади:

$$C_{эл} = N_{уст} * K_1 * K_2 * \Phi * Ц * N_{\phi} = 0,076 * 0,7 * 4900 * 95 * 2200 = 54$$

$$482\ 120 \text{ сўм}$$

$N_{уст}$ - битта автомобиль учун электр-энергия сарфи;

$$N_{уст} = 0,076 - 0,081 \text{ кВт/авт.}$$

$K_1 * K_2$ - вақт ва қувват бўйича двигателдан фойдаланиш коэффициенти; $K_1 * K_2 = 0,7$

$Ц$ - 1 кВт электр энергия нархи **95 сўм**

N_{ϕ} - АТХКС дан фойдаланадиган йиллик автомобиллар сони; N_a **2200** та автомобиль.

Φ - йиллик иш баланс соати куйидаги формула орқали аниқланади;

$$\Phi = D_p * T_c * n = 350 * 7 * 2 = 4900 \text{ соат}$$

D_p - йилдаги иш кунлар сони - 350

T_c - смена иш давомийлиги - 7

n - сменалар сони сўм/йил. - 2

6. Газ сарфи куйидагича аниқланади;

$$C_{газ} = H_{газ} * N_{\phi} = 11\ 000\ 000 \text{ сўм};$$

$H_{газ}$ - бир автомобилга газ сарфи меъёри. - 5000

7. Материаллар сарфи куйидагича аниқланади;

$$C_m = N_D * H_D + N_T * H_T = 30\ 800\ 000 \text{ сўм};$$

N_D, N_T - турли турдаги хизмат кўрсатиладиган автомо-биллар сони - 1540;

H_D, H_T - материаллар сарфи, меъёри; 1000км босиб ўтилган йўл учун, 20000 сўм

8. Хўжалик харажати сарфи олинган даромаддан 10 % хисобида;

$\eta_x = 0,1$ хўжалик харажати даромаддаги салмоғи;

$\eta_b = 0,035$ бошқа харажатни даромаддаги салмоғи;

$\eta_p = 0,2$ фойдани даромаддан улуши;

9. АТХКСни йиллик даромади ва битта ўртача энгил автомобилга кўрсатилаётган хизматдан олинган даромадни қуйидагича аниқлаймиз;

$$\Sigma D_{и} = \Sigma C_{мм} / \eta_{тг} = 104\,880\,931 / 0,665 = \mathbf{157\,715\,686} \text{ сўм}$$

$$\eta_{тг} = 1 - (\eta_x + \eta_b + \eta_p) = 1 - (0,1 + 0,035 + 0,2) = 0,665$$

$\eta_{тг}$ -тўлиқсиз таннархнинг даромаддаги улуши

10. Хизматни тўлиқсиз таннархи қуйидагича аниқланади;

Хизматнинг тўлиқсиз таннархи

$$\Sigma C_{мм} = C_{сп} + C_{с} + C_{сам} + C_{эл} + C_{газ} + C_{м} = \mathbf{104\,880\,931}$$

$$C_{сч} = 2\,520\,579,60$$

$$C_{с} = 1\,008\,231,84$$

$$C_{сам} = 5\,070\,000,00$$

$$C_{эл} = 54\,482\,120,00$$

$$C_{газ} = 11\,000\,000$$

$$C_{м} = 3\,080\,000$$

11. Умумий таннархни қуйидагича аниқлаймиз;

$$\Sigma C_{м} = \Sigma C_{мм} + C_{б} + C_{х} = \mathbf{126\,172\,549}$$

$$\Sigma C_{мм} = 104\,880\,931$$

$$C_{б} = 5\,520\,049$$

$$C_{х} = 15\,771\,569$$

$C_{б}$ -бошқа харажатлар йиғиндиси

$$C_{б} = \Sigma D_{и} * \eta_b = \mathbf{157\,715\,686} * 0,035 = 5\,520\,049 \text{ сўм/йил}$$

$C_{х}$ -хўжалик харажатлари йиғиндиси

$$C_{х} = \Sigma D_{и} * \eta_x = \mathbf{157\,715\,686} * 0,1 = 15\,771\,569 \text{ сўм/йил}$$

12. Битта энгил автомобилга кўрсатиладиган хизматдан олинаётган даромад:

$$D_{\text{и}} = \sum D_{\text{и}} / N_{\text{ф}} = 157\,715\,686 / 2200 = 71\,689 \text{ сўм/авт}$$

13. Ялпи фойда қуйидагича аниқланади:

$$П = \sum D_{\text{и}} - \sum C_{\text{м}} = 157\,715\,686 - 126\,172\,549 = 31\,543\,137 \text{ сўм}$$

14. Соф фойда қуйидагича аниқланади:

$$П_{\text{сф}} = П * \eta_{\text{схк}} = 31\,543\,137 * 0,8 = 25\,234\,510 \text{ сўм}$$

$\eta_{\text{схк}}$ -солиқларни ҳисобга олувчи коэффициент; $\eta_{\text{схк}} = 0,8$

15. Рентабеллик қуйидагича аниқланади.

$$R = (П / \sum C_{\text{м}}) * 100 = (31\,543\,137 / 126\,172\,549) * 100 = 25 \%$$

Асосий ишлаб чиқариш фондиди ҳисоблаш қуйидагиларни уз ичига олади:

1. Лойиҳаланаётган ёки такомиллаштирилаётган автомобилларга техник хизмат кўрсатиш корхоналарида асосий фондлар қиймати қуйидагича бўлади.

$\Phi_{\text{оф}} = K = 101\,400\,000,00$ сўм- янги лойиҳаланаётган автосервис учун;

$\Phi_{\text{оф}} = K_1 + K_2$, сўм -такомиллаштирилаётган автосервис учун.

K , K_1 , K_2 - янги лойиҳа, такомиллаштирилаётган эски; такомиллаштиришдаги бино, қўшимча янги жиҳоз, дастгоҳ ва асбоблар қиймати.

Такомиллаштириш жараёнида ишга яроқли бўлган фондлар, бинолар, жиҳозлар, дастгоҳлар ва асбоблар қиймати “ K_1 ” қуйидаги формула ёрдамида аниқланади.

$$K_1 = C_{\text{зд1}} + C_{\text{ж1}}$$

$C_{\text{зд1}}$ - такомиллаштиришдан сўнг ишга яроқли бино, иншоатлар қиймати, минг сўм ҳисобида.

$C_{\text{ж1}}$ - жиҳоз, дастгоҳ, асбоблар қиймати, минг сўм ҳисобида.

Такомиллаштириш учун қўшимча қуриладиган бинолар, янги олинадиган жиҳоз, дастгоҳлар қиймати- “ K_2 ” қуйидаги формула билан аниқланади.

$$K_2 = C_{\text{зд2}} + C_{\text{ж2}}$$

$C_{зд2}$ - такомиллаштириш учун янги қуриладиган бино , иншоатлар қиймати, минг сўм ҳисобида.

$C_{ж2}$ - такомиллаштириш учун янги олинadиган жиҳоз, дастгоҳ, асбоблар қиймати, минг сўм ҳисобида.

Лойиҳалаш учун қуриладиган бинолар, жиҳозлар, дастгоҳлар қиймати “К” ҳисобланади.

$$K = C_{з-д} + C_{ж} = 101\,400\,000,00 \text{ сўм}$$

$$C_{з-д} = f_{кур} * Ц_{кур} = 41\,400\,000,00 \text{ сўм}$$

$$f_{кур} = 138,00 \text{ кв метр}$$

$$Ц_{кур} - 1\text{м}^2 \text{ бинони қуриш учун сарфлар (300000 сўм).}$$

$C_{ж}$ = лойиҳалаш учун янги олинadиган жиҳоз ва дастгоҳлар ўртача қиймати - **60 000 000 сўм**

2. Айланма воситалар ҳажми аниқланади.

$$\Phi_{ай} = C_{ж} * 0,14 = 8\,400\,000,00 \text{ сўм}$$

3. Жами ишлаб чиқариш фонди ҳажми қуйидагича аниқланади:

$$\Phi_{и/ч} = \Phi_{оф} + \Phi_{ай} = 101\,400\,000 + 8\,400\,000,00 = 109\,800\,000,00 \text{ сўм.}$$

4. Мулк солиғини аниқлаш қуйидаги формула орқали аниқланади.

$$П_{м/с} = \Phi_{и/ч} * 0,03 = 109\,800\,000,00 * 0,03 = 3\,294\,000,00 \text{ сўм}$$

5. Умумий даромад қуйидагича аниқланади.

$$\sum D_{у/д} = \sum D_{и} + D_{и} + D + D_{ра} + D_{хр} = D_{й} = 157\,715\,686 \text{ сўм}$$

№	Кўрсаткичлар номи	Белгиланиши	Лойиҳалашдаги қиймати сўм
1.	Асосий и / ч фонди	$\Phi_{ос}$	101 400 000
2.	Айланма и / ч фонди	$\Phi_{ай}$	8 400 000,00
3.	Жами и / ч фонди	$\Phi_{и/ч}$	109 800 000,00
4.	Мулк солиғи	$П_{м/с}$	3 294 000,00
5.	Умумий фойда	П	31 543 137
6.	Соф фойда	$П_{сф}$	25 234 510
7.	Умумий даромад	$\sum D_{у/д}$	157 715 686

Ишлаб чиқариш фондиди узини оқлаш муддатини аниқлаш ва фонддан фойда олиш кўрсаткичлари.

1. Асосий ишлаб чиқариш фондининг маблағ қайтариш коэффициентини қуйидагича аниқланади:

$$K_{\phi} = \sum D_{y/d} / \Phi_{и/ч} = 157\,715\,686 / 109\,800\,000,00 = 1.4$$

2. Айланма воситаларни айланувчанлиги коэффициенти қуйидагича аниқланади:

$$K_o = \sum D_{y/d} / \Phi_{и/ч} = 1.4$$

3. Капитал ва сарфларни йиллик қайтариш имконияти ёки жами олинадиган самара қуйидагича аниқланади:

$$\begin{aligned} \mathcal{E} &= C_{ам} + П_{сф} + П^{б-1}_{сф} + П^{б-2}_{сф} && 30\,304\,510 \\ C_{ам} &= 5\,070\,000,00 \\ П_{сф} &= 25\,234\,510 \\ П^{б-1}_{сф} &= 0 \\ П^{б-2}_{сф} &= 0 \end{aligned}$$

$$\mathcal{E} = C_{ам} + П_{сф} + П^{б-1}_{сф} + П^{б-2}_{сф} = 5\,070\,000,00 + 25\,234\,510 = 30\,304\,510$$

Сўм

4. Капитал сарфларни қайтариш муддати қуйидагича аниқланади:

$$T_{ок} = K_p / \mathcal{E} = 101\,400\,000 / 30\,304\,510 = 3.3 \text{ йил.}$$

5. Ишлаб чиқаришдаги бир ишчининг меҳнат унумдорлиги.

$$П_{и/ч} = \sum D_{y/d} / \sum P_T = 157\,715\,686 / 2 = 78\,857\,843,19 \text{ одам/Сўм}$$

$$\sum P_T = 2 \text{ та}$$

$$\sum P_{шт} = 2 \text{ та}$$

6. Хар бир штатдаги ишчининг меҳнат унумдорлиги.

$$П_{обш} = \sum D_{y/d} / (\sum P_T + \sum P_{шт}) = 157\,715\,686 / (2 + 2) = 39\,428\,922 \text{ одам/Сўм}$$

Лойиҳаланаётган корxonанинг асосий техник иқтисодий кўрсаткичлари

Кўрсаткичларнинг номланиши	Белгиланиши	Ўлчов бирликлари	Кўрсаткичнинг қийматлари
Хизмат кўрсатиладиган автомобиллар сони	N_{Φ}	дона	2 200,00
Асосий ишлаб чиқариш фонди нархи	$\Phi_{\text{оф}}$	минг сўм	101 400,00
Айланма воситалар меъёри	$\Phi_{\text{ай}}$	минг сўм	8 400,00
Зарур бўлган капитал маблағ	K	минг сўм	101,40
Ишлаб чиқарувчи ишчилар сони	$P_{\text{и/ч}}$	ишчи	2,00
Меҳнат унумдорлиги	$\Pi_{\text{и/ч}}$	минг сўм	78 857,84
	$\Pi_{\text{обш}}$	минг сўм	39 428,92
Умумий таннарх	ΣC_{T}	минг сўм	126 172,55
Ялпи фойда	Π	минг сўм	31 543,14
Рентабеллик	R	%	25,00
Йиллик иқтисодий самара	\mathcal{E}	минг сўм	30 304,51
Капитал маблағни оқлаш вақти	$T_{\text{ок}}$	йил	3,35
Умумий даромад	$\Sigma D_{\text{у/д}}$	минг сўм	157 715,69

МЕҲНАТ МУХОФАЗАСИ

Автомобилларга техник хизмат кўрсатишда жароҳатланиш кўрсаткичлари ва сабабларини ўрганиш услублари.

Ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаштирилиши, электрлаштириш, автоматлаштириш янги энергия турларидан (лазер, атом ва бошқалар) ва химиядан кенг фойдаланиш турли хил хавфли омилларни вужудга келтирадики, натижада маълум бир сабаб оқибатида жароҳатланишлар юзага келади. Жароҳатланишлар хавфли омиллар турига боғлиқ холда турли хил ва турли оғирликда бўлади. Хар қандай шароитда яни автомобиллага техник хизмат кўрсатишда ҳам жароҳатланган кишига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда жароҳат оғирлигини камайтиришда ёки жароҳатланган кишининг хаётини сақлаб қолиш мухим роль ўйнайди. Шу сабабли, хар бир ишчи ва ходимлар биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш усулларини ва қоидаларини пухта билиши зарур.

1. Синганда, бўғимлар чиққанда, куйганда ёки қон кетганда биринчи ёрдам кўрсатиш

Синиш, чиқиш ёки пай чузилиши синган жойнинг нотабий холда эгилиши, бўғимнинг шишиши ва оғриқ пайдо бўлиши орқали билинади. Бундай холларда биринчи навбатда шикастланган кишига тинчлик бериш ва шикастланган жойга совуқлик босиш керак.

Синган ёки чиққан кўл оёқларга тахтакач фанер ёки картон қўйиб боғлаш тавсия этилади. Тахтакач қўйишда унинг бир учи тос суягидан юқори бўлиши, иккинчи учи эса оёқ товонида булиши керак.

Қовурға суяги синганда йўталганда, нафас олганда ва харакатланганда оғриқ пайдо бўлади. Бундай вақтда кўкрак нафас чиқариш вақтида бинт билан қаттиқ қилиб боғлаб қўйилади.

Лат еган жойга совуқлик қўйиб, кейин артиш, йод суртиш ёки иссик компресс қўйиш тақиқланади. Чунки булар оғриқни кучайтиради. Пай чузилганда ҳам лат ейишидагидек ёрдамлар кўрсатилади.

Куйиш термик, кимёвий ва электрик бўлиши мумкин. Улар оғирлик даражасига кўра 4 даражага бўлинади:

1-даражали куйишда - тери қизариб, шишади;

2-даражали куйишда – сув пуфаклари хосил бўлади;

3-даражали куйишда – тери жонсиз, яъни сезиш қобилиятини йўқотган холда бўлади;

4-даражали куйишда – тери қораяди, мускуллар ва суяк шикастланади ва қуриб қолади.

Термик ва электрик куйишда куйган жойга қўл тегизиш, маз, ёғ, ичимлик содаси суртиш, ёпишиб қолган кийим парчасини юлиб олиш, хосил бўлган пуфакларни ёриш мумкин эмас. Биринчи даражали куйишда куйган жойни стерилланган боғич билан боғлаш керак. Тана оғир куйганда куйган кишини тоза чойшаб билан ураш, чой ичириш ва врач келгунча тинчлик бериш керак бўлади.

Агар куйган кишининг пульс уриши секинлашса 15-20 томчи валерьянка ичириш керак. Куйган юзни стерилланган марли билан ёпиб кўйиш керак.

Кўз куйганда 1 стакан сувга 1 чой қошиқ бор кислотаси солиб, совуқ холда кўзга босиш керак.

Кимёвий куйиш оқибати кўпинча куйдирувчи кимёвий моддани таъсир этиш вақтига боғлиқ бўлади. Шу сабабли бундай куйишда биринчи ёрдам кўрсатишда дастлаб ушбу модда концентрациясини ва таъсирини сусайтириш лозим. Бунинг учун кислота ёки ишқор таъсир этган жой 15-20 минут тоза сувда ювилиши керак. Агар куйиш кислота таъсирида бўлса бир стакан сувга бир чой қошиқ ичимлик содаси, ишқор таъсирида бўлса бир стакан сувга бир чой қошиқ бор кислотаси солинган эритма билан боғич намланиб боғланиши керак.

Жароҳатланиб яраланган жойни ифлосланиши, ярани сув билан ювиш, маз суртиш, ярадан қоннинг қотганларини олиб ташлаш ва унга тупроқ ва қум кўйиш мумкин эмас. Биринчи ёрдам кўрсатувчи шахс дастлаб

қўлни тозалаб ювиши ёки бармоқларини йод билан артиши керак. Ярага материал қўйишда унга дастлаб йод томизиш лозим. Ярага қўйиладиган материалдаги йод ўрни ярадан катта бўлиши керак. Ярани боғлашдан олдин унинг атрофини тозалаш ва яра атрофига йод суртиш зарур.

Қон кетишни боғлаб тўхтатиш мумкин. Агар қон кучли кетса қон оқаётган жойни таъминловчи томирларни жгут (махсус боғич ёки тасма) билан боғлаш лозим. Жгут боғланган жойда пульс уриши мавжуд бўлса, у нотўғри боғланган ҳисобланади. Бундай ҳолда жгутни ечиб олиб, қайтадан каттиқроқ қилиб боғлаш керак. Жгут боғлашдан олдин боғланадиган жой юмшоқ материаллар билан ўралиши лозим. Боғланган жгут 2 соатдан ортиқ турмаслиги зарур. Жгут боғлангандан сўнг 1 соат ўтгач, уни 10-15 минут секин бўшатиш керак. Бундай ҳолда ярага қон келадиган артерия қон томирини бармоқ билан босиб туриш лозим.

Ички қон кетиш жуда хавфли ҳисобланади. Унинг белгилари: пульснинг секинлашуви, камдармонлик, бош айланиши, ранг оқариши, кучли сувсаш, хушсиз бўлиб қолиш. Бунда дастлаб, жароҳатланган кишига тўлиқ тинчлик бериш ва жароҳатланган жойга совуқлик қўйиш керак. Сув бериш мумкин эмас.

Агар бурундан кучли қон кетса, бошни секин орқага ўгириб каншарга совуқ босиш ва бурунга водород пероксиднинг 3% ли эритмасида намланган пахта ёки марли тиқиш лозим.

Иссиқ ёки куёш уриши натижасида кўкқисдан камдармонлик, бош оғриғи, қайд қилиш ҳолатлари кузатилади. Бунинг учун дастлаб жароҳатланган кишини тоза хаволи, соя жойга олиб бориш, сиқиб турган барча кийим – бошларни ечиш, бошга ва кўкракга совуқ қўйиб боғлаш, нашатир спирт хидлатиш ва 15-20 томчи валерьянка ичириш тавсия этилади. Агар нафас олиш ва пульс уриши сезилмаса, сунъий нафас бериш ва юракни массаж қилиш лозим.

2. Электр токидан жароҳатланганда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш

Инсонларни кучланиш остидаги машина, механизм ва қурилмаларнинг ток ўтказувчи қисмларига тегиши мускулни ихтиёрсиз равишда қисқаришига олиб келади ва бу ҳолатдан жароҳатланган шахснинг ўзи чиқа олмайди. Бундай ҳолатда биринчи навбатда электр токини ажратиш талаб этилади. Агар электр шкафлари узоқда жойлашган бўлса, электр симини қуруқ ёғоч дастали болта ёки бошқа жиҳоз билан қирқиш лозим. Электр токи ажратилгач жароҳатланган шахсни қулай ва юмшоқ ўриндиқга ётқизиш ва пульс уришини, нафас олишини, кўз қорачиғи ҳолатини текшириш ҳамда бир вақтда врачга хабар бериш зарур. Жароҳатланган киши хушсиз ёки хушида бўлиши, лекин пульс уриши ва нафас олиши мавжуд бўлиши мумкин. Агар пульс уриши ва нафас олиши мавжуд бўлиб, у хушида бўлмаса кийимларини ечиш, тоза ҳаво киришини таъминлаш, юзига сув пуркаш ва танасини иситиш керак. Жароҳатланган шахс хушсиз бўлиб, пульс уриши ва нафас олиши сезилмаса, унга сунъий нафас бериш ва юрагини массаж қилиш керак.

Сунъий нафас “оғиздан оғизга” ёки “оғиздан бурунга” берилиши мумкин. Бу усуллар бошқа усулларга нисбатан самарали усул ҳисобланади. Унда жароҳатланган шахснинг ўпкасига бошқа усулларга нисбатан 4 баробар кўп ҳаво юборилади.

Сунъий нафас беришдан олдин жароҳатланган шахс елка томони билан ётқизилиши, ундаги сиқиб турган кийимлар, галстук, шарф ва шу кабилар ечилиши, оғиз кўпиклардан тозаланиши керак. Агар оғиз қаттиқ ёпиқ бўлса, иккала қўлнинг тўрт бармоғини жароҳатланган шахснинг боши орқасига қўйиб, иккала бош бармоқ билан оғзини очиш керак. Кейин чуқур нафас олиб, оғизни оғизга қўйиб, жароҳатланган шахснинг бурнини қисиб кучли ҳаво пуфлаш керак. Ҳаво пуфлашда марли, рўмолча ёки махсус нафас олиш трубкасидан фойдаланиш мумкин. Сунъий нафас бериш частотаси минутига 10-12 марта бўлиши керак.

Агар жароҳатланган шахснинг кўз қорачиғи кенгайган ва пульс уриши сезилмаса, унинг қон айланишини тиклаш мақсадида сунъий нафас бериш билан биргаликда юракни массаж қилиш лозим. Массаж қилишда ўнг кўлнинг кафти жароҳатланган шахснинг кўкрагига қўйилади ва тез-тез (минутига 60 марта) босилади. Тананинг пастки қисмлари жойлашган вена қон томирларидаги қонни юракка келишини тезлатиш мақсадида оёқни 0,5 м гача юқорига кўтариб қўйиш мумкин. Агар бу ёрдамларни бир киши бажараётган бўлса, 2-3 марта сунъий нафас бергач, 10-12 марта юракни ташқи массаж қилиш тавсия этилади. Жароҳатланган шахснинг ўзига келганини нафас олишини тикланиши, рангини қизариши, кўз қорачиғини қисқариши каби белгилардан билиб олиш мумкин. Буни текшириш учун массажни 2-3 сек тўхтатиб туриш мумкин. Агар жароҳатланган шахсда ўзига келиш ҳолатлари кузатилмаса, сунъий нафас бериш ва юрак массажини врач келгунга қадар давом эттириш керак.

3. Захарланганда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш

Захарли кимёвий моддалар киши организмга нафас олиш йўллари, тери ва оғиз орқали таъсир этиши мумкин. Захарланишнинг ташқи белгилари кимёвий моддаларнинг захарлилик хусусиятига боғлиқ. Кўпинча захарланишда ошқозон оғриши, қайд қилиш мускулларини ихтиёрсиз қисқариши, бош оғриғи, умумий камдармонлилик, хушидан кетиш каби ҳолатлар кузатилади.

Захарланганда биринчи навбатда захарли моддалар таъсирини бартараф этиш, жароҳатланган шахсни сиқиб турган кийимларини ечиш, тоза ҳавога олиб чиқиш ва врачга хабар бериш лозим.

Агар захарли модда оғиз орқали ошқозонга тушган бўлса калий перманганат (“марганцовокислый”)нинг илиқ сувдаги кучсиз эритмасидан бир неча стакан ичириш ва қайд қилдириш (2-3 марта) керак. Ёки 1-2 ош қошиқ суюқ магnezийни бир стакан сувга солиб ичириш керак. Қоринда қаттиқ оғриқ бўлса иситгич (“грелка”) қўйиш керак.

Агар захарли модда терига тушса, уни юмшоқ материал билан артиб тозалаб, сув билан ювиб, ичимлик содасининг 2% ли эритмаси ёрдамида ишлов бериш керак.

Захарли газлар масалан углерод оксиди, ацетилин, бензин буғи ва бошқалар киши организмига нафас олиш йўллари орқали таъсир этса бош оғриғи, қулоқда шовқин, бош айланиши, қайд қилиш, кўнгил айланиши, нафас олиш оғирлашиши, кўз қорачиғи кенгайиши, хушдан кетиш холлари юз бериши мумкин. Бундай вақтларда захарланган кишини тоза ҳавога олиб чиқиб, кислородли ёстикдан кислород бериш керак. Нафас олиши сезилмаганда эса сунъий нафас бериш зарур. Захарланган шахсда кучли йўтал кузатилса новшадил спирт хидлатиш, ичимлик содаси қўшилган сут, аччиқ ширин чой ёки нафас бериш, агар иложи бўлса кўкракга (“горчичник”) қўйиш керак.

Агар захарли модда кўзга тушса бир стакан сувга бир чой қошиқ сода солиб кўзни ювиш лозим.

ХУЛОСА

Мен “Андижон шаҳрида икки иш ўринли кичик вулканизация устахонасини лойиҳалаш” мавзусида битирув малакавий ишни бажариш вазифа килиб олдим.

Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарларида 2009 йилдаги яна бир энг муҳим устувор вазифа – **бу мамлакатимизни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантиришдан иборат эканлигини белгилаб бердилар.** Жумладан:

Биринчидан, инфратузилмани ривожлантириш янги корхоналарни жойлаштириш ва бутун иқтисодиётни тараққий эттириш учун зарур қулай шарт-шароитлар яратади, мамлакатимизнинг бой минерал-хомашё ресурсларини ўзлаштириш имкониятларини кенгайтиради.

Иккинчидан, ишлаб чиқариш инфратузилмаси, авваламбор, автомобиль ва темир йўлларнинг ривожланган тизими, уларнинг самарали фаолияти ишлаб чиқаришдаги умумий харажатларни камайтиришнинг муҳим шarti ва омилидир. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва бутун иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини оширади.

Учинчидан, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аҳолини тоза ичимлик суви, энергия билан таъминлаш, ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш, пировард натижада аҳолининг турмуш даражасини оширишга хизмат қилади.

Тўртинчидан, инфратузилмани ривожлантириш кўп меҳнат талаб қиладиган кенг кўламли соҳа ҳисобланади. Бу янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини ошириш имконини беради.

Лойиҳалаётган устахонамизда транспорт воситаларининг юриш қисмларини таъмирлаш устахонасида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва жорий таъмир ишлари бажарилади. Устахонада 1 та постд ва 1

та устахонадан иборат бўлиб, у ерда 2 та ишчилар мижозларга юқори сифатли жаҳон андозаларига мос равишда автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва жорий таъмир ишлари бажарадилар.

Устахонанинг иқтисодий кўрсаткичлари ҳам ишлаб чиқилди, корхонанинг йиллик хажми, таннархи, фойда, тариф ставкаси, соф фойдалар миқдори, лойиха учун керакли, асосий айланма фондлар миқдори ҳисоб чиқилди.

Булардан ташқари суғурта жамғармаси, жиҳоз ва устахона ускуналари амортизацияси, электр-энергия сарфи, газ сарфи, материаллар сарфи, хўжалик харажатлар сарфи, таннарх, фойда ва тўловлар, ҳисобдаги нархлар аниқланди. Бу устахонанинг умумий таннархни 3,35 йилда капитал маблағини оқлайди.

Меҳнат муҳофазаси ва экология ҳозирги куннинг энг долзарб вазифаси ҳисобланмоқда. Чунки автоустахоналарда автомобиллар ҳаракати, автомобилдан чиқаётган заҳарли чиқинди газлар, электр-энергиялар инсон саломатлиги учун энг зарарлидир. Буни олдини олиш мақсадида йилига икки мартаба техника хавфсизлиги ўтказиш, ишчи ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиб туриш зарур.

Авто устахона учун ҳозирги кунда зарур бўладиган замонавий энг юқори технологиялар билан жиҳозлаб ундан самарали фойдаланилса ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини олдини олган бўламыз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. И.А.Каримов. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш-устивор мақсадимиздир. Тошкент-Ўзбекистон: 2010, 77 бет.
2. И.А.Каримов. Асосий вазифамиз-ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Тошкент-Ўзбекистон: 2010, 77 бет.
3. И.А.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент, Ўзбекистон: 2009, 56 бет.
4. А.Ш.Бекмуродов, У.В.Ғафуров, Б.К.Тухлиев. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Ўқув қўлланма. Тошкент, Иқтисодиёт: 2009, 123 бет.
5. И.А.Каримов. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Тошкент, Ўзбекистон: 1994, 304 бет.
6. И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, Ўзбекистон: 1997, 328 бет.
7. И.А.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, Ўзбекистон, 1998, 686 бет.
8. И.А.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, Ўзбекистон: 1995, 269 бет.
9. О.Ҳамрақулов ва бошқалар. Автомобиллар сервиси асослари. Тошкент, ФАН: 2007, 176 бет.
10. М.З.Мусажанов. Автотранспорт тармоғи корхоналарини лойиқалаш. Тошкент, Фан: 2007, 230 бет.
11. О.Ҳамрақулов, Ш.Магдиев. Автомобилларнинг техник эксплуатацияси. Тошкент: 2005, 223 бет.
12. О.Ҳамрақулов, Ш.Магдиев. Автомобилларнинг техник эксплуатацияси. Тошкент, Адолат: 2005, 262 бет.

13. Қ.М.Сидикназаров умумий таҳрири остида таржима қилинган «Автомобиллар техник эксплуатацияси». Тошкент, Ворис-нашриёт: 2006, 630 бет.
14. Э.А.Асатов, А.А.Тожибоев. Ишончлилик назарияси ва диагностика асослари. Тошкент, Иқтисод-молия: 2006, 160 бет.
15. О.Хамрақулов, Х.Хамрақулов Автомобиль деталлари ишлаш қобилиятини қайта тиклаш. Жиззах: 2007, 152 бет.
16. Э.Файзуллаев ва бошқалар Транспорт воситасининг тузилиши ва назарияси. Тошкент, Янги аср авлоди: 2006, 375 бет.
17. М.М.Файзиев ва бошқалар Ички ёнув двигателлари. Тошкент, Турон-Иқбол: 2007, 607 бет.
18. С.М.Қодиров Ички ёнув двигателлари. Тошкент, Зарқалам: 2006, 456 бет.
19. Г.Махмудов, О.Хамрақулов. Автомобиль электр ва электрон жиҳозлари. 1-қисм. Жиззах: 2006, 150 бет.
20. Г.Махмудов, О.Хамрақулов. Автомобиль электр ва электрон жиҳозлари. 2-қисм. Жиззах: 2007, 80 бет.
21. В.Ф.Бабков, О.В.Андреев. томонидан тайёрланган дарслик А.Р.Қодирова таржимаси. Автомобиль йўлларини лойиҳалаш. 1-қисм, Тошкент: 2001, 466 бет.
22. В.Ф.Бабков, О.В.Андреев. томонидан тайёрланган дарслик А.Р.Қодирова таржимаси. Автомобиль йўлларини лойиҳалаш. 2-қисм, Тошкент: 2001, 423 бет.
23. Қ.Ҳ.Азизов. Ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш асослари. Тошкент: 2004, 182 бет.
24. Ё.К.Қориёва. Глобаллашув жараёнида халқаро транспорт логистик тизими фаолиятининг самарадорлиги. Тошкент: 2003, 147 бет.
25. Т.О.Алматаев, И.З.Носиров. Транспорт воситалари ички ёнув двигателлари. Андижон, Хаёт: 2002, 92 бет.
26. С.М.Қодиров, К.М.Назаров. Йўл-транспорт ҳодисалари таҳлили. Ўқув қўлланма, Тошкент: 2002, 84 бет.

27. Қ.Қ.Азизов. Ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш асослари. Тошкент: 1999, 113 бет.
28. Ф.В.Гурин, В.Д.Клепиков, В.В.Рейн. Автомобилсозлик технологияси. Тошкент: 2001, 247 бет.
29. Б.А.Хўжаев. Автомобилларда юк ва пассажирлар ташиш асослари. Тошкент, Ўзбекистон: 2002, 240 бет.
30. Б.А.Хўжаев. Ягона транспорт тизими ва ҳар хил транспортлар ўзаро ёндашуви. Тошкент, Меҳнат: 2004, 212 бет.
31. О.Хамрақулов ва бошқалар. Транспорт воситаларида ишлатиладиган эксплуатацион материаллар. Жиззах, 2004, 122 бет.
32. С.А.Усмонов, М.Рахматуллаев. Техник тизимларни бошқариш. Жиззах, 2005, 108 бет.
33. О.Хамрақулов, Х.Хамрақулов. Автомобиль деталларининг ишлаш қобилиятини қайта тиклаш. Жиззах, 2007, 166 бет.
34. Ў.Йўлдашев ва бошқалар. Меҳнат муҳофазаси. Тошкент, Меҳнат: 2001, 182 бет.
35. О.Қ.Қудратов ва бошқалар. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. Тошкент, Алоқачи: 2005, 196 бет.
36. С./уломов ва бошқалар. Мустақил Ўзбекистон. Тошкент, Тошкент ислом университети: 2003, 296 бет.
37. Бозор, пул ва кредит. Журнал, Тошкент, 2009, 04(143) сон, 30-32 бетлар.